

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЙТМУРАТОВА УЛБИКЕ ЖАЛГАСОВНА

**КОРХОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Айтмуратова Улбике Жалгасовна

Корхоналарда инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш
йўналишлари..... 3

Айтмуратова Улбике Жалгасовна

Направления повышения эффективности инвестиционной деятельности на
предприятиях 27

Aytmuratova Ulbike Jalgasovna

Directions of increasing the efficiency of investment activities in enterprises 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЙТМУРАТОВА УЛБИКЕ ЖАЛГАСОВНА

**КОРХОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt801 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ташмурадова Бувсара Эгамовна**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдуллаева Шарбат Зулфиқаровна**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Холиков Улугбек Рустамович
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) доцент


Етакчи ташкилот: **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.**


Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» 08 кuni соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz


Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (201 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «06» 08 кuni таркатилди.
(2021 йил «06» 08 даги 08 рақамли реестр баённомаси).




Т.З.Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


Н.Н.Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори, (PhD)


И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда турли минтақалар иқтисодиётини ривожланишида инвестицияларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги номуносиблик, инвестициялар оқимининг тараққий этган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига йўналиши тенденцияларига эга бўлиб бормоқда. Натижада ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг улуши ошиб бормоқда. UNCTAD Investment Trends Monitor¹ берган маълумотларига кўра «жаҳон миқёсида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши 2020 йилда пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2019 йилдаги 1,5 триллион доллардан (42 фоизга) 859 миллиард долларгача камайган». Бундай паст даража охирги марта 1990-йилларда кўзатилган бўлиб. 2008-2009 йиллардаги глобал молиявий инқироздан кейинги энг паст кўрсаткич ҳисобланади. 2021 йилда эса глобал иқтисодиётни тиклаш бўйича прогнозларга қарамай, UNCTADнинг хулосасига кўра COVID-19 пандемияси эволюцияси бўйича ноаниқлик туфайли хорижий инвестициялар оқимлари паст бўлиб қолиши тахмин қилинмоқда². Ўз навбатида, инвестициялар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ кўплаб муаммолар мавжудлиги инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришни такомиллаштириш заруратини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Халқаро амалиётда компаниялар томонидан инвестицион қарорлар қабул қилишда инвестицион самарадорликни баҳолаш, баҳолаш механизмини тўғри танлай олиш, инвестицион лойиҳаларни бошқаришга алоҳида эътибор берилган. Компаниялар капитал тузилмасини оптимал шакллантириш, капитал баҳосини минималлаштириш ҳамда молиявий барқарорликни белгиланган нормативлар асосида таъминлаш масалаларини комплекс тарзда ўрганилмаганлиги ва бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақоза этмоқда. Шунингдек, инвестицион фаолият самарадорлигини баҳолаш мазкур йўналишда стратегик бошқарув жараёнини ташкил этиш, инвестицион рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш долзарб масалалар ҳисобланади.

Ўзбекистонда реал секторга йўналтирилган инвестициялар ҳажмини ошириш, шу асосда ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, аҳолининг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш, ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, туман ва шаҳарларни, аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришга қаратилган иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида

¹ UNCTAD United Nations Conference on Trade and Development – БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси.

² Global foreign direct investment fell by 42% in 2020, outlook remains weak, UNCTAD, 24.01.2021

«ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш»³ устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш корхоналарнинг молиявий ресурсларини оптимал шакллантириш ҳамда уларни баҳолаш инвестицион фаолият самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида», 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги 616-сон «Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестицион фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳамда корхоналарда инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш йўналишлари юзасидан хорижлик иқтисодчи олимлар: У.Шарп, Г.Александр, Дж.Бейли, Сет.Б.Барнес, Г.Бирман, Ю.Бригхэм, М.Эрхардт, С.Шмидт, Л.Крушвиц, Френк Дж.Фабоцци, Р.Холт, И.Бланк, Р.Брейли, А.Ковалев, М.Лапуста, А.Алешин, В.Аньшин, В.Беренс, П.Хавранек, П.Виленский, В.Лившиц, С.Смоляк, А.Марголинлар⁴ томонидан қатор илмий изланишлар олиб борилган.

³ www.lex.uz.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

⁴ Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции.–М.:2018.-1028 с; Холт Роберт Н., Барнес Сет. Б. Планирование инвестиций. Учебное пособие, перевод с англ. – М.: Академия народного хозяйства: Дело, 1994. – 116 с; Бирман Г., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов // Пер. с англ. под ред. Л.П.Белых. – М.: 2003; Крушвиц Л. Финансирование и инвестиции. Неоклассические основы теории финансов. Учебник. – Санкт-Петербург, 2000. – 381 с; Фабоцци Френк Дж. Управление инвестициями: Пер.

Республикамиз иқтисодчи олимлардан Д.Ғозибеков, Н.Жумаев, М.Хамидулин, Н.Хайдаров, Б.Тошмуродова, С.Элмирзаев, Н.Турсунова, В.Котов, Р.Карлибаева, О.Ҳамдамов, Д.Хўжамқулов, Э.Ҳошимов, Б.Маматов, О.Астанакулов, Р.Саидов, Х.Асатуллаев, А.Хашимов, Ш.Маджидов, Н.Мўминова, Д.Бегматоваларнинг илмий ишларида корхоналарда инвестиция фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ қилинган⁵.

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган олимларнинг илмий тадқиқот ишларида, асосан, инвестиция фаолияти самарадорлигининг назарий, услубий масалаларига бағишланган бўлиб, уларда инвестиция лойиҳаларининг баъзи категориялари ва қўллаш соҳалари ўрганилган. Бирок алоҳида акциядорлик жамиятларида инвестиция фаолиятининг самарадорлигини оширишда қўлланиладиган усуллар ва моделлардан фойдаланиш билан боғлиқ амалий муаммолар ҳамда уларнинг ижобий ҳал этилиши омиллари батафсил кўриб чиқилмаган. Бу ҳолат эса, танланган мавзунинг долзарблигини англатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон

с англ. – М.: «ИНФРА-М», 2000. – 930 с.; Брейли Р. Принципы корпоративных финансов. Майерс С. 2-е русск. изд. (пер. с 7-го междунар. изд.) – М.: 2008. – 1008 с.; Бригхэм Ю., Эрхардт М. Финансовый менеджмент. 10-е изд. – Санкт-Петербург, 2009. – 960 с.; Ковалев А.М. Финансовый менеджмент. Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: НИЦ «ИНФРА-М», 2013. – 336 с.; Лапуста М.Г. Риски в предпринимательской деятельности: Учеб. пособие. – М.: «ИНФРА-М», 1998. – 225 с.; Алешин А.В., Аньшин В.М. и др. Управление проектами: фундаментальный курс. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2013. – 500 с.; Беренс В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций Пер. с англ. перераб. и дополн. изд. – М.: Интерэксперт, «Инфра-М», 1995. – 528 с.; Виленский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов. Теория и практика. Учебное пособие. 2-е издание, переработанное и дополненное. – М.: «Дело», 2002. – 888 с.; Марголин А.М. Экономическая оценка инвестиционных проектов. Учебник. – М.: «Экономика», 2007. – 367 с.

⁵ Ғозибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия», 2003. – 330 б.; Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Ҳошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т.: Академнашр, 2009. –141 б.; Вахобов А.В., Хажибаев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – 180 б.; Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия», 2009. – 556 б.; Toshmurodova V., Elmirezayev S., Tursunova N. Moliyaviy menejment. Учебник. – Т.: «Iqtisod-moliya». 2017. – 338 б.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Дисс...-д-ра эк.наук. – Т.: 2008; Котов В.А. Совершенствование деятельности банков по инвестиционному обеспечению стратегически важных предприятий Узбекистана. – Т.: «Молия», 2011. – 320 с.; Карлибаева Р. Тижорат асосида фаолият олиб боровчи субъектлари молиявий баркарорлигини таъминлаш. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журналы. № 1, январь-февраль, 2019. – Б.1-8; Хамдамов О.Н. Корхоналарда молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати –Т.: БМА, 2017. 58 б. Хамидова Ф.А. Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма. – Т.: «Шарк», 2003. – 256 б.; Астанакулов О.Т., Асатуллаев Х.С. Анализ и оценка эффективности инвестиционных проектов //Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнал №3, июнь, 2018; Saidov R. at all. The Role of the Investment Environment in Attracting Reserves to the Economy of Uzbekistan. <http://solidstatetechnology.us/index.php/JSSST/article/view/1169>; Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Муминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: «Шарк», 2014. – 248 б.; Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш и.ф.д. (DSc) илмий даражасини автореферати. – Т.: 2018; Бегматова Д.Б. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш. и.ф.фал.док (PhD) илмий дар. олиш учун тайёрланган дисс.автореферати. – Т.: 2017.

иктисодиётини модернизациялаш шароитида инвестицион ва инновацион фаолиятнинг концептуал асослари» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналарда инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

корхоналарда инвестиция фаолиятни ташкил этишнинг иқтисодий аҳамияти ва унинг ташкилий хусусиятларини илмий тадқиқ этиш;

корхонада инвестиция стратегияни ишлаб чиқиш, амалиётга тадбиқ этиш босқичларини тадқиқ этиш;

корхоналарда инвестиция фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва таснифий жиҳатларини ёритиб бериш;

корхонанинг инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва инвестицион самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

инвестиция фаолият самарадорлигини оширишда халқаро амалиёт тажрибаларидан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

корхоналарда инвестиция фаолиятини стратегик бошқариш механизмини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг инвестицион фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети корхоналарда инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш йўналишларида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, таққослаш, тизимли таҳлил, статистик прогнозлаштириш, корреляцион, регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инвестицияларга йўналтирилган пул оқимларини дисконтлаш асосида инвестицияларни қоплаш муддатини аниқлиқ даражасини 90 фоизгача етказиш асосланган;

прогноз қилишнинг иқтисодий қўшилган қиймат усулини қўллаш орқали инвестицион лойиҳалар миқдорини 30 фоизга ошириш ҳамда инвестицион стратегиянинг муддати ва талаб этиладиган инвестиция миқдори ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш асосланган;

фоиз ставкалар, инфляция даражаси ва валюта айирбошлаш курсларини инобатга олган узоқ муддатли инвестиция лойиҳалари муддатини 8 йилдан 5 йилга қискартириш асосида инвестицион фаолият самарадорлигини 1,2 баробарга ошириш асосланган;

инвестиция киритиладиган лойиҳага шериклик ҳуқуқини берувчи сукук қимматли қоғозини эмиссия қилиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инвестицион лойиҳа бўйича шериклик ҳуқуқини берувчи сукук қимматли қоғозини эмиссия қилиш ва уни жорий қилишда ҳуқуқий асосни ишлаб чиқиш лозимлиги асослаб берилган;

корхоналарда инвестицион самарадорликни ошириш мақсадида, инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш ва ушбу стратегия асосида инвестицион фаолиятни олиб бориш босқичлари шакллантирилган, инвестицион қарорларни қабул қилишда қўшилган иқтисодий қиймат (EVA)дан фойдаланишнинг аҳамияти илмий жиҳатдан асосланган;

корхоналар инвестицион қарорларни қабул қилишда соф жорий қиймат усулига (NPV)га эмас, балки ички даромадлилик даражаси (IRR)нинг натижасига таяниши лозим. Бунда ички даромадлилик даражасини корхона молиявий фаолияти самарадорлигини меъёрий даромадлилик даражаси билан таққослаш имкони яратилиши туфайли оптимал қарорлар қабул қилиш мумкинлиги билан асосланган;

қисқа муддатли давр учун инвестицияларни жалб қилиш мақсадида муддати бир йилдан кам бўлган қимматли қоғозларни амалиётга жорий этиш тартиби ишлаб чиқилган. Мазкур усул юқори кредит рейтингига эга бўлган акциядорлик жамиятлари учунгина амал қилиши лозим. Қисқа муддатли қимматли қоғозларнинг ликвидлигини юқори бўлиши инвестиция оқимини ошишига сабаб бўлиши асосланган;

макроиқтисодий кўрсаткичларни хорижий инвестициялар оқимида таъсири даражасини статистик жиҳатдан аниқловчи кўп ўзгарувчанли регрессион модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг статистик ишончлилиқ интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишончлилиқ талабларига жавоб бериши, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Тахياتош дон маҳсулотлари» АЖ маълумотларининг таҳлиллари натижаларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифларни корхоналарда инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш йўналишларининг назарий жиҳатларини ривожлантириш, инвестицион ресурслардан самарали фойдаланиш асосида фойдани максималлаштириш, акциядорлик жамиятларида инвестицион қарорлар қабул механизмининг ривожлантиришга доир фундаментал тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан корхонанинг инвестицион фаолият самарадорлиги ошириш, корхонанинг инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш, инвестицион риск даражасини баҳолаш ҳамда акциядорлик жамиятлари молиявий барқарорлигини таъминлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхоналарда инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инвестицияларга йўналтирилган пул оқимларини дисконтлаш асосида инвестицияларни қоплаш муддатини аниқлилик даражасини 90 фоизгача етказиш бўйича таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан инвестициялар таҳлилида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 1 февралдаги ВЖ-22/01-258-сон маълумотномаси). Натижада, инвесторлар томонидан лойиҳа бўйича VaR (рискнинг миқдорий даражаси)ни корхона фойдадаги улушини алоҳида коэффицентлар бўйича прогноз қилиш имконияти вужудга келган ва инвестицион лойиҳалар бўйича инвестицияларни қоплаш муддатини белгилашда эҳтимоллик даражасини 90 %гача аниқлашга эришилган;

прогноз қилишнинг иқтисодий қўшилган қиймат усулини қўллаш орқали инвестицион лойиҳалар миқдорини 30 фоизга ошириш ҳамда инвестицион стратегиянинг муддати ва талаб этиладиган инвестиция миқдори ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш бўйича таклифи Тахиатош дон маҳсулотлари акциядорлик жамиятида инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилишда фойдаланилган («Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 2 февральдаги 01-2/83-сон маълумотномаси). Натижада, акциядорлик жамияти томонидан амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар миқдорини 30% оширишга ҳамда 2018-2019 йиллар мобайнида соф фойда хажмини ўртача 14% фоизга оширишга эришилган;

фоиз ставкалари, инфляция даражаси ва валюта айирбошлаш курсларини инобатга олган узоқ муддатли инвестиция лойиҳалари муддатини 8 йилдан 5 йилга қисқартириш асосида инвестицион фаолият самарадорлигини 1,2 баробарга ошириш бўйича таклифи Тахиатош дон маҳсулотлари акциядорлик жамиятида инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилишда фойдаланилган («Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 2 февральдаги 01-2/83-сон маълумотномаси). Натижада, акциядорлик жамияти инфляция даражаси ва валюта айирбошлаш курсларини инобатга олган ҳолда инвестиция лойиҳаларини муддатини 5 йил этиб белгилаш асосида инвестицион фаолият самарадорлигини 1,2 баробарга оширишга ҳамда инвестицион ресурслар миқдорини 655 млн.сўмгача тежаб қолишга эришилган;

инвестиция киритиладиган лойиҳага шериклик ҳуқуқини берувчи сукук қимматли қоғозини эмиссия қилиш бўйича таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан инвестициялар таҳлилида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 1 февральдаги ВЖ-22/01-258-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида қимматли қоғознинг анъанавий облигацияга нисбатан рисклилик даражаси паст бўлиши ва фонд бозоридаги инструментлар турларининг диверсификация қилинишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Корхоналарда инвестицион фаолият самарадорлигини аниқлаш ва бошқаришнинг назарий-иқтисодий асослари»** деб номланган биринчи бобида корхоналарда инвестицион фаолиятни ташкил этишнинг иқтисодий мазмуни ва унинг асосий хусусиятлари, корхонада инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш босқичлари ҳамда корхоналарда инвестицион фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва таснифий жиҳатлари тадқиқ қилинган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назарий натижа ва хулосалар шакллантирилган.

Корхоналар инвестиция сиёсатини самарали ташкил этишнинг муҳим шартларидан бири инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш, лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, инвестицион рискларни минималлаштиришга доир қарорлар қабул қилиш ҳисобланади. Қолаверса, бугунги пандемия шароитида инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш ва молиявий барқарорликни минимал даражада саклаб қолиш акциядорлик жамиятлари олдида турган асосий масалалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Тадқиқот натижаларида маълум бўлдики, инвестицион фаолиятни такомиллаштириш жараёнидаги асосий эътиборли жиҳатлардан бири, инвестицион фаолият самарадорлигини ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш масаласига қаратилиши ҳисобланади.

Корхоналарнинг инвестицион фаолияти самарадорлигини таъминлашга доир хорижий ва маҳаллий олимларимиз томонидан бир қатор таъриф ва ёндашувлар келтириб ўтилган. Жумладан, В.У.Нео ва W.H. Неоларнинг

фикрига кўра инвестицион фаолият самарадорлигини баҳолашни даромадлилик кўрсаткичлари ёрдамида аниқлаш лозим. Инвестицион фаолият самарадорлигини баҳоловчи асосий мезонлар бири молиявий самарадорлик бўлиб, бундан ташқари инвестицион фаолиятнинг ижтимоий самарадорлик даражаси ҳам қисман даромадлилик кўрсаткичида акс эттирилади⁶. I.Marcelinнинг фикрига кўра, инвестицион фаолият самарадорлиги корхона инвестицион фаолиятининг ўрта ва узоқ муддатли мақсадларига эришишга қаратилган асосий йўналишларига боғлиқ бўлиб, айниқса, инвестиция циклининг давомийлиги, мултифакториал ва ўзгарувчан бозор шароитлари жараёнида жуда муҳимдир⁷. Ю.Макаренкони таъкидлашча, инвестиция фаолиятининг муҳим таркибий қисми қулай инвестиция муҳитини таъминлашдир. Ижтимоий-иқтисодий динамика, жаҳон меҳнат тақсимотини олиб бориш самарадорлиги ва шу асосда миллий иқтисодиётнинг юксалиши инвестиция муҳитининг ташкил этилишига боғлиқ. Бунда корхона инвестицион фаолиятининг самарадорлиги бевосита миллий иқтисодиётнинг ҳам инвестицион муҳитига боғлиқлиги асосланган⁸. П.Н.Завлиннинг фикрига кўра, инвестицион фаолият самарадорлигини таъминлаш инвестицион фаолият олдида қўйилган вазифаларни бажариш учун ташқи ва ички омиллар таъсирини аниқлаш даражасига боғлиқ⁹. Олимнинг фикрига кўра, инвестицион фаолият самарадорлигини таъминлаш орқали молиявий барқарорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

О.Астанакуловнинг фикрига кўра, корхона инвестицион фаолиятининг биринчи босқичи мураккаблигини таъкидлаган. Унинг фикрига кўра, ушбу босқичда катта эҳтимоллик даражаси кўпроқ танланган чуқур тахлилий ёндашувга бориб тақалади. Айнан шундай тахлиллар натижасига таяниб, корхона инвестицион фаолияти режалаштирилади ва амалга оширилади¹⁰. Фикримизча, инвестицион фаолият самарадорлигига корхона инвестицион стратегияси асосида, узоқ ва қисқа муддатли инвестицион лойиҳаларни соф жорий қиймат (NPV), ички даромадлилик меъёри (IRR), қўшилган иқтисодий қиймат (EVA) моделларидан фойдаланган ҳолда, молиявий леверидж коэффициентини белгиланган меъёрий даражасидан оширмасдан танлаш орқали эришилади.

Албатта, корхоналар инвестицион фаолияти самарадорлигини такомиллаштириш билан барқарор иқтисодий ривожланишни ўзаро боғлиқлик моделини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Корхона

⁶ Heo, B.Y.; Heo, W.H. Economic analysis of disaster management investment effectiveness in Korea. Sustainability 2019, 11, 3011


⁷ Marcelin I, Stephen S-A K, Fanta F, Tecklezion, M 2019 Political regimes, investment and electoral uncertainty Research in International Business and Finance 47 580-599

⁸ Yuliia P. Makarenko, Sergii Kudlaienko, Yuliia V. Roschyna, Lesia Rudych, Inna Suray, 2019, Strategic Investment Management and Formation of Investment Strategy of the Enterprise, Academy of Strategic Management Journal, 18 Issue: 1

⁹ Zavlin, P.N . (2008) Innovation Management. Reference manual. Moscow: CSRS, 220

¹⁰ Астанакулов О.Т. Инвестицион фаолият тахлилини такомиллаштириш йўналишлари. «Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари» Республика илмий-амалий конференцияси, 2019 йил, 8 ноябрь.

инвестицион фаолиятига таъсир этувчи ташқи омилларнинг таснифидан келиб чиққан ҳолда барқарор иқтисодий ривожланиш ва инвестиция бошқарувини такомиллаштиришнинг ўзаро таъсир моделини қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Барқарор иқтисодий ривожланиш ва инвестиция бошқарувини такомиллаштиришнинг ўзаро боғлиқлик (таъсир) модели¹¹


Тақдим этилган расм маълумотларидан кўриш мумкинки, корхона инвестицион фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ташқи ва ички омилларининг таъсирига боғлиқ. Барқарор иқтисодий ривожланиш моделини иқтисодий самарадорликни асосий кўрсаткичларини ўсиши, технологик мукамаллиги, бизнес жараёнларини оптималлаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш билан тавсифланган жараён деб ҳисоблаш мумкин.

Бу каби барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун корхона барқарор иқтисодий ривожланиш стратегияси билан бир қаторда инвестицияларни бошқариш стратегиясини ҳам ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Албатта корхоналарга киритилаётган тўғридан тўғри инвестициялар, хусусан хорижий инвестициялар ҳажми давлатнинг инвестиция муҳитига бевосита боғлиқдир.

Дарҳақиқат, тўғридан-тўғри инвестициялар кенг қамровли тушунча бўлиб, турли объектларга ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни молиялаштириш учун иқтисодий натижа (фойда) ва ижтимоий самара

¹¹ Муалиф томонидан тузилган.

олишни кўзлаб, мамлакат ичкарасида ёки бошқа хорижий мамлакат иқтисодиётига риск асосида давлат кафолатисиз киритиладиган узок муддатли капитал кўйилмалардир. Таҳлиллар кўрсатадики, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳудудларни барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлиб, у кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосини ташкил этган ҳолда, ҳудудда етарли инвестицияларнинг сарфланиши, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши учун шарт-шароит яратади (2-расм).



2-расм. Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитлар (фоизда)¹²

2-расм маълумотларига кўра ўрмон ва қишлоқ хўжалиги, тоғ кон саноати, қурилиш соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳаларига киритилган инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2020-йилда, 2019-йилга нисбатан ошганлигини кўриш мумкин. Қайта ишлаш саноати, электр таъминоти каби соҳаларда эса 2019-йилга нисбатан киритилган инвестициялар ва кредитлар миқдорида сезиларли пасайиш кузатилган. Бу каби пасайишни ушбу соҳаларнинг даромадлилик даражасини пастлиги билан ифодалаш мумкин. 2019-йилда пасайиш тенденциялари COVID-19 пандемия сабабли бўлиб, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасига киритилган инвестициялар ва кредитлар миқдорининг ошганлиги ҳам бунга исбот бўлади. Инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш компания бюджетининг молиявий бошқарув стратегиясида «акциядорларнинг бойлигини максимал даражага кўтариш учун бизнес мақсадларига мос келадиган узок муддатли инвестицияларни баҳолаш ва танлаш жараёнида» ҳал қилувчи рол ўйнайди.

¹² Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Мазкур амалиёт компаниялардан инвестицион қарор қабул қилиш мезонларини бизнес стратегиясини қўллаб-қувватлашни таъминлаш учун барча зарурий вазифаларни белгилашни талаб қилади. Инвесторлар келгусида кутилаётган даромадлиликни прогноз қилишда инвестиция лойиҳалари ва мақсадларига мос келувчи амалий услуб ёки моделлардан фойдаланади¹³. Молиявий менежмент назариясига кўра, инвестицияларни қайтариш rischi ижобий омил ҳисобланиб, риск даражаси қанча юқори бўлса, фоиз ставкаси мос равишда юқори бўлади. Фикримизча, лойиҳаларнинг NPV миқдорини аниқлашда фойдаланиладиган дисконт ставкага сўнг 10 йиллик инфляция даражасининг стандарт четланиш даражасини ҳам қўшиш лозим, бунда лойиҳани баҳолашда самарадорлик ошади. Бугунги кунда IRR инвестицион лойиҳаларни қабул қилиш бўйича самарали омил бўлиб, лойиҳанинг IRR миқдори аниқлангандан сўнг ушбу миқдор корхонанинг капитал баҳоси билан солиштирилиши лозим. Агар лойиҳанинг IRR миқдори унинг капитал баҳосидан юқори бўлсагина лойиҳани қабул қилиш лозим, бу вазиятда ҳам ўртадаги фарқ камида сўнгги 10 йиллик инфляция даражасининг стандарт четланиш даражасига тенг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Аммо NPVнинг устунлик жиҳати Ўзбекистон шароитида у орқали бир нечта дисконт ставкадан фойдаланиш мумкинлигидир. Ўзбекистонда фоиз ставкасининг ўзгариб туриши бу моделнинг устунлигини кўрсатади. Албатта мазкур жараёнда, корхона инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш бир нечта асосий принципларга таянишини инобатга олиш лозим.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Корхоналарда инвестицион фаолият самарадорлигини аниқлаш ва бошқариш амалиётининг таҳлили»** деб номланиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқ ва соҳаларига киритилган инвестицияларнинг ҳолати таҳлил қилинган, «Тахиатош дан маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг инвестицион стратегияси ишлаб чиқилган шу билан биргаликда инвестициялар оқимига таъсир қилувчи макроиқтисодий омилларнинг таъсир даражаси регрессион модел орқали таҳлил қилинган.

Иқтисодиётни модернизация қилиш, ислохотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, мамлакат иқтисодиётининг тармоқ ва соҳаларида амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғлик тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқ. Шу боисдан ҳам, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар

¹³ Brijlal, P. and Llorente Quesada, L. (2008) 'The use of capital budgeting techniques in businesses: a perspective from the Western Cape', 21st Australasian Finance and Banking Conference, Sydney, 16-18 December 2008

маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига урғу берилмоқда.

1-жадвал маълумотлардан кўриш мумкинки, 2016 йилда Қорақалпоғистон Республикасига асосий капиталга киритилган инвестициялар 3730,2 млрд. сўмни ташкил қилган. 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида Республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 8167,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 80,4 % ни ташкил қилди, шундан хорижий инвестициялар 3759,8 млрд. сўмни ташкил этди.

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2016-2020 йиллар ҳолатига, млрд. сўмда)¹⁴


Кўрсаткичлар	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	3730,2	2235,0	6046,4	8434,6	8167,4
шу жумладан:					
Марказлашган инвестициялар:	570,4	427,9	2709,8	2786,6	3595,3
бюджет маблағлари	88,6	201,7	170,2	1172,2	891,7
давлат мақсадли фонд маблағлари	147,0	142,8	477,8		
болалар спортини ривожлантириш фонди маблағлари	16,9	8,3	21,9		
сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси				60,2	73,0
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	268,3	44,2	972,1	299,5	86,6
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	49,6	30,9	1067,8	1254,7	2544,0
Марказлашмаган инвестициялар:	3159,8	1807,1	3336,6	5648,0	4572,1
корхоналарнинг ўз маблағлари	947,6	870,8	1726,9	2359,5	1949,4
аҳоли маблағлари	382,1	395,2	560,4	848,7	832,2
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	1663,2	237,8	444,3	1957,6	1215,9
тижорат банк кредитлари	166,9	303,3	605,0	482,2	564,6

2019-2020-йиллари 11,283 трлн. сум 793 лойиҳалари амалга ошириш назарда тутилган, шуннан 1,052 млрд долларлик хорижий инвестициялар

¹⁴ Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

жалб қилиниб, шулар ҳисобидан 11735 янги иш ўринлари ташкил қилинган бўлса, 2019-2021-йилларда йўл транспорт, инженер коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани қуриш ва реконструкция қилиш ишларига 1,5 трлн. сум жалб қилиш белгиланган. Мойнақ тумани комплексли ривожлантириш доирасида 26 трлн. сум инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Ҳозирги вақтда кўплаб корхоналар инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини оширишда замонавий моделлардан фойдаланмоқда, шу каби моделлардан фойдаланган ҳолда «Тахиатош дон маҳсулотлари» АЖ учун инвестицион стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда акциядорлик жамиятининг инвестицион стратегиясини амалга ошириш босқичлари таҳлил қилиниб, ушбу стратегияни баҳолаш критериялари ҳам шакллантирилди. Агарда акциядорлик жамияти фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда 5 йиллик давр мобайнида акциядорлик жамиятининг инвестиция миқдорида сезиларли ўзгариш кузатилмаган (3-расм).




3-расм. «Тахиатош дон маҳсулотлари» АЖнинг йиллар кесимидаги инвестициялар динамикаси (минг сўмда)¹⁵

3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, акциядорлик жамияти томонидан киритилаётган инвестициялар миқдори йиллар кесимида сезиларли даражада ўзгармасдан келмоқда. Бунга сабаб сифатида акциядорлик жамияти томонидан инвестицион стратегиянинг ишлаб чиқилмаганлигини ёки инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатишимиз мумкин. Шу сабабдан биз «Тахиатош дон маҳсулотлари» АЖ учун инвестицион стратегия ва унинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини акциядорлик жамиятининг жорий ҳолатини таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқдик. 4-расм

¹⁵ «Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти маълумотларидан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан тузилган.

маълумотларидан кўринадикки, акциядорлик жамиятининг инвестицион фаолиятдан оладиган даромадларининг миқдори ҳам, даромадлилик кўрсаткичи ҳам юқори даражада эмас, бу эса акциядорлик жамиятининг инвестицион стратегияга бўлган заруратини яна бир бор кўрсатади.



4-расм. «Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг инвестициялардан дивиденд ва фоиш шаклидаги даромадлари динамикаси (минг сўмда)¹⁶

Тадқиқотлар кўрсатадики, инвестиция соҳасида инвестициявий стратегияга асосланган изчиллик бўлмаса, асосиз сармоя корхонанинг бозордаги муваффақиятини кафолатламайди. Шу билан бирга, инвестицион стратегия корхонанинг умумий иқтисодий ривожланиш стратегиясига асосланади ва ривожланиш мақсадлари ва босқичлари билан унга мос келиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда биз «Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг инвестицион стратегиясини ва унинг самарадорлигини баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқдик. 5-расмда келтирилган инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш босқичларидан фойдаланган ҳолда биз «Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг инвестицион стратегиясини ишлаб чиқдик. Унга кўра акциядорлик жамиятининг инвестицион стратегиясини қуйидаги тартибда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Дисконтланган қоплаш муддати орқали инвестицион лойиҳаларнинг дастлабки инвестиция миқдори қанча муддатдан сўнг қайтарилади ва корхона қанча муддатдан сўнг соф фойда олишни бошлаши аниқланади. «Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2017, 2018-йилларда молиялаштирган инвестицион лойиҳаларнинг қоплаш муддати аниқланди ва натижалар уларнинг ҳақиқий қоплаш муддати билан таққосланди (2-жадвал).

¹⁶ «Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти маълумотларидан фойдаланган ҳолда тадқиқотчи томонидан тузилди.

«Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти инвестицион лойиҳаларининг дисконтли қоплаш муддати бўйича таҳлили¹⁷


№	Лойиҳа номи	Асосий восита (Fully Automatic Chakki Atta Plant)	Асосий восита (Automatic flour mill machine)
1	WACC (2017)	18%	18,20%
2	Инвестиция миқдори (АҚШ, доллари)	113200	58500
3	Пул оқими (CF ₁)	56400	25400
4	Пул оқими (CF ₂)	54200	24100
5	Пул оқими (CF ₃)	51600	41800
6	Пул оқими (CF ₄)	61400	30700
7	Пул оқими (CF ₅)	52050	
8	DRP	2,84 йил	2,77 йил
	Ҳақиқатда	3 йил	2,5 йил

«Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти асосий воситаларни сотиб олиш учун 2017 ва 2018-йилларда мос равишда 113200 доллар ва 58500 доллар инвестиция ажратган, инвестицион лойиҳалардан келган соф пул оқимлариндан фойдаланган ҳолда инвестиция киритилган йилдаги WACC орқали пул оқимлари дисконтланганда дисконтланган қоплаш муддати лойиҳаларда мос равишда 2.84 ва 2.77 йилларни ташкил этди. Ҳақиқатда эса бу лойиҳаларнинг қоплаш муддати 3 йил ва 2.5 йилга тенг бўлган. Бу ерда моделнинг эҳтимоллик даражаси 90% га тенг бўлиб, ушбу усул орқали инвестицион лойиҳаларнинг дисконтланган қоплаш муддатини аниқлашимиз мумкин ва бу инвестицион самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Акциядорлик жамияти ўзининг инвестицион фаолиятини ушбу инвестицион стратегияга асосан амалга ошириши лозим. Яъни инвестицион стратегияда келтирилган босқичларга кўра олиб бориладиган инвестицион фаолият акциядорлик жамиятининг инвестицион самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Биринчи босқичда инвестицион лойиҳанинг муддати кўрсатилиши ҳамда изоҳланиши лозим. Тадқиқотларимизга асосланиб, биринчи босқичнинг муддати 5 йиллик қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мамлакатдаги фоиз ставкалари,

¹⁷ «Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти маълумотларидан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан тузилган.

инфляция даражаси ва валюта айрибошлаш курсларининг тез ўзгариши каби ташқи омилларни инобатга оладиган бўлсак 5 йиллик муддатнинг белгиланиши инвестицион лойиҳалар натижаларининг амалга оширишдаги самарадорлик натижаларини кўриш ва изоҳлаш имконини беради.



5-расм. «Тахياتош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг инвестицион стратегияси¹⁸

Фаррелл тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ташқи бозорда товарлар ва хизматларнинг ишлаши ва таъминланишини пул, технология, менежмент ва тадбиркорлик тўплами сифатида рағбатлантирувчи омил сифатида тавсифлайди. Чет эл инвестициялари тўғридан-тўғри ташқи иқтисодий алоқалари иқтисодий ўсиш ва ривожланиш учун яхши рағбатлантирувчи давлатлар ўртасидаги узок муддатли алоқаларни таъминловчи воситадир¹⁹.

Диссертациянинг учинчи боби **«Корхоналарда инвестицион фаолиятни стратегик бошқариш механизмини ривожлантириш йўналишлари»** деб номланиб ушбу бобда инвестицион стратегияларни қандай бошқариш, корхоналардаги инвестиция оқимини бошқаришдаги механизмни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ва

¹⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

